
2019 йил — Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили

Президент 2019 йилга «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» деб ном берди.

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев жума куни парламентга анъанавий мурожаатида 2019 йилга «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» деб ном беришни таклиф қилди.

У ўз чиқишида келгусида йилда 2018 йилда бошланган лойиҳа ва дастурлар давом эттирилишини маълум қилди.

«Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, фаол инвестицион сиёсат олиб боровчи мамлакатлар ривожланишда юқори муваффақиятларга эришмоқда», — деди давлат раҳбари.

У инвестицияларни иқтисодий ҳаракатга келтирувчи, бошқа соҳалар ва мамлакат ҳудудларини ривожлантиришга хизмат қилувчи, янги технологиялар ва юқори малакали мутахассисларни жалб қилувчи куч деб атади.

Инвестицияларнинг сўнгги мақсади — Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир инсоннинг ҳаёт даражасини оширишдан иборат, деди Шавкат Мирзиёев.

Асосий устувор вазифалар — ижтимоий соҳани ривожлантириш, ёшларни муносиб таълим билан таъминлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, деди у.

«Агарда биз тинчлик ва соғлиқни таъминлай олсак — қолган барчасига эришамиз», — дея таъкидлади президент.

2018-12-28 13:33:15